

Ҳаж сафарига шунчаки сайру томоша ниятида чиқилмайди

05:00 / 16.01.2017 3748

Ҳаж бир ошиқона ибодатдир. Аллоҳга қулчилик қилишга ошиқ бўлган банда дунёнинг ҳар нарсаси билан хайрлашиб, телбаларча сафарга равона бўлади. Кулфат ва мусибатларга парво қилмайди. У фақатгина Аллоҳ розилиги, фарзни адо қилиш ҳамда буйруққа итоат этиш нияти билан ҳаж қилади. У ҳаж сафарига ҳаргиз ном чиқариш, сайру томоша қилиш, ҳаво алмаштириш ёки "ҳожидан" деган унвонни ҳосил қилиш учун бормайди. Акс ҳолда, зиммадаги фарз ҳаж адо бўлса ҳам, савобдан маҳрум бўлиб қолади. Баъзи одамлар борки, улар асосий вақтини Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунаввара кўчаларида дўконма-дўкон айланиб, нарса сотиб олиш ҳамда сайру томоша қилиш билан зоеъ қилади. Бундай қилиш улкан маҳрумликдир. Ақлли инсон у ердаги қимматбаҳо дамларни ғанимат билиб, вақтини ибодат, зикр, дуо ҳамда Расули Акрам соллалоҳу алайҳи ва салламга салаватлар айтиш билан ўтказди. Майли, фақат бир кунни зарурий нарсаларни сотиб олиш учун ажратсин.

("Муаллимул ҳужжож", "Ийзоҳул маносик").

Поезд ва самолётдаги сувлар таҳорат учун яроқлидир

Поезд ёки самолётда сафар қилаётган кишиларнинг баъзилари у ерда таҳорат қилиш учун яроқли сув топилмайди, деган баҳона билан намоз ўқимайдилар. Намоз ўқиган тақдирларида ҳам, таяммум қилиб ўқийдилар. Бу уларнинг илмсизлиги ёки ибодатга бепарволигидан ўзга нарса эмас. Ҳолбуки, поезд ёки самолёт ҳожатхонасидаги сувлар шаръан пок ҳисобланади. Ундан ичиш ҳам, таҳорат учун фойдаланиш ҳам жоиздир.

Демак, у ердаги сувлар тоза бўлмаса керак, деган гумон намоз ўқимаслик учун баҳона бўла олмайди.

("Муаллимул ҳужжож", "Фатово Маҳмудийя", "Ийзоҳул масоил").

Эҳромсиз ҳолатда Маккаи мукаррамага етганда киши нима қилади?

Ҳаж ёки умра сафарида эҳромсиз ҳолда мийқотдан ўтиб, Маккаи мукаррамага етиб борган кишига жарима сифатида бир жонлиқ сўйиш вожиб бўлади. Агар иккинчи мартаба қайсидир мийқотга бориб, эҳром боғлаб қайтиб келса, жарима қурбонлиги кечирилади. Жидда ҳам саҳиҳ ва рожиҳ (қувватли) қавлга кўра мийқот ҳукмидадир. Шунинг учун Жиддага бориб, унинг соҳилида эҳром боғлаб ҳаж ва умра арконларини адо қилиш мумкин. Фақиҳул аср Ҳалил Аҳмад Саҳаранпурӣ, Ҳакимул уммат Ашраф Али Таҳонави, мавлоно Шафеъ Усмонӣ, мавлоно Зафар Аҳмад Усмонӣ, Ибн Ҳажар Маккий, Ибн Зиёд Яманий, Ғунятун носик китобининг соҳиби ва бошқалар Жидда шаҳри Яламлам ва Робеъғнинг рўбарўсида ёки ундан ҳам ташқарида эканлигини эътиборга олиб, уни мийқот деб ҳисоблаганлар.

Одамлар билан жанжаллашиш ва қаттиқ сўзлашиш

Ҳаж сафарида жанжаллашиш ва уришишдан жуда узоқда туришликка буюрилганмиз.

Ҳаж сафарида жуда кўп одамларнинг жанжал қилаётганларини, ҳатто муштлашиб кетганларини кўриш мумкин. Хусусан, самолётга ёки автобусга чиқаётган вақтда, жой олиш учун роса уришадилар. Ҳаддиларидан ошиб сўкишишларга, урди-тепдиларга ҳам навбат етиб келади. Жиддага етиб боргандан кейин Маккаи мукаррамага кетишлик учун автобусларга мирилаётган вақтда ниҳоятда шармнок, уятли ҳолатга тушадилар. Эллиқбоши билан ҳам уришиб юрадилар. Ҳудди шундай, Маккаи мукаррамадан Мадинаи мунавварага, Маккаи мукаррамадан Минога ёки Минодан Арафотга кетаётган автобусларга мирилаётган вақтда ҳам ажиб манзара кўзингизга ташланади. Бу ўринларнинг ҳаммаси синовли онлардир. Шундай ўринларда ўзингизга "Мен ҳар қандай кулфатга бардош қиламан, сабр устунини қўлдан бермайман, бировларнинг қаттиқ гапларига ҳеч ҳам жавоб қайтармайман", деб сўз

беринг. Сиз томондан ҳам бошқаларга ҳеч қандай кулфат етмаслигига ҳаракат қилинг. Сафарнинг бошидан охиригача фақат Аллоҳ таолонинг зикри, талбия, тасбеҳ ва таҳлил билан машғул бўлинг.

Тавоф асносида Каъбатуллоҳ тарафга қараш

Тавоф вақтида киши Каъбатуллоҳ тарафига кўксини ёки орқасини қаратиши жоиз эмас. Намоз ичида Каъбатуллоҳ тарафдан кўкракни буриш ножоиз бўлганидек, тавоф вақтида ҳам кўкрак ёки орқани ўз ҳолатидан буриш, яъни олд тарафга қараб юрмасдан, кўкрак ёки орқани каъбага қаратиб тавоф қилиш ножоиздир. Агар шундай қилса, тавофнинг ўша ҳиссасини қайта адо этиш лозим бўлади ("Раддул муҳтор", "Ийзоҳут Таҳовий", "Ийзоҳул маносик").

Лекин, ҳажарул асвад истилом қилинаётган вақтда кўкрак ва юзни ҳажарул асвад тарафига қаратиш манъ этилган эмас, балки, у суннатдир. Унинг сабаби шуки, киши тавофнинг бир айланасини мукамал қилиб, ҳажари асваднинг рўпарасига келганда, гўё битта тавоф тугаб, иккинчи тавоф янгитдан бошланяпти, деб ҳисобланади. Ҳар янги тавофнинг ибтидосида Каъбатуллоҳга (ҳажарул асвадга) юзланиш мустаҳабдир. Лекин, айланалар асносида бундай қилиш жоиз эмас ("Бадойиус санойиъ", "Ийзоҳул маносик").

Яна, тавоф вақтида (кўкракни бурмай) фақат юзнинг ўзини Каъбатуллоҳ тарафга буришни ҳам фуқаҳолар адабга хилоф ҳамда макруҳ деб ёзганлар. Намозда у ёқдан бу ёққа юзни қаратиш макруҳ бўлганидек, тавоф вақтида ҳам у ёқдан бу ёққа қарашлик макруҳдир. Тавофда киши ўзининг рўпарасига қараб юриши одобдандир.

("Ғунятун носик", "Муаллимул ҳужжож", "Ийзоҳул маносик).

Ҳажарул асвадга аёл ва эркакларнинг ҳужуми

Тавоф қилаётган киши (агар имкон топса) ҳажарул асвадга икки қўлини қўйиб, уни ўпади. Агар яқин бора олмаса, узоқдан қўл билан унга ишора қилиб сўнг қўлини ўпса ҳам бўлаверади. Мана шуни истилом дейилади. Ҳар тавофнинг бошланиши ва охирида ҳажарул асвадни истилом қилиш суннат. Лекин, шарт шуки, ҳажарул асвадни истилом қилишда бирор кишига азият етмасин. Чунки, уни ўпиш суннат, бироқ мусулмон кишига азият етказиш ҳаромдир. Шунинг учун тўпаланг билан у ерга етиб боришга ҳаракат қилмаслик керак. Аёлларнинг эса эркаклар тиқилинчига кириб бориши, бақир-чақир қилиши умуман мумкин эмас. Бундай қилиш билан иш ибодат ўрнига маъсиятга айланади. Шунинг учун буни ёдингизда тутинг.

Тавоф вақтида салом ва калом

Киши тавоф вақтида бирор дўсти билан учрашиб қолса, унга салом бериши, мусофаҳа қилиши (қўл бериб сўрашиши) ва зарурат юзасидан гаплашишида ҳеч қандай зарар йўқ. Яна, масала-масоил ва диний сўзлашувлар ҳам бекароҳат жоиз. Лекин, ортиқча ҳамда заруратсиз сўзларни гапириш макруҳдир.

("Фатҳул Қадийр", "Ғунятун носик").

Тавоф асносида жамоат намози

Тавоф қилувчи ҳали етти айланани мукамал қилмай туриб намозга иқомат айтилса ёки жаноза ҳозир бўлса, тавофни келган жойида ўхтатиб, жамоатга шерик бўлади. Намоздан фориғ бўлгач, тавофни тўхтатган жойидан давом эттиради. Суннат ва нафлларни эса тавофдан сўнг адо қилади.

("Фатово ҳиндийя")

Таҳоратсиз тавоф қилиш

Бирор тавофни ҳам таҳоратсиз ҳолда қилиш жоиз эмас. Тавофнинг ҳаммаси бўлиб етти хил тури бор.

1. Тавофи зиёрат – бу ҳажнинг рукни. Агар бу тавофнинг ҳаммасини ёки аксарини таҳоратсиз қилинса, жаримасига битта қурбонлик вожиб бўлади. Ҳа, албатта агар тавофни қайта бажарилса, вожиб бўлган қурбонлик соқит бўлади.

2. Тавофи умра. Агар буни таҳоратсиз қилинса, (хоҳ мукамал тавофни, хоҳ фақатгина бир айланани), битта қурбонлик вожиб бўлади. Агар бу тавофни ҳам қайта адо қилинса, қурбонлик соқит бўлади.

3. Тавофи назр. Тавофи назрни агар бетаҳорат қилса, бунда ҳам дам вожиб бўлади. Чунки, бу тавоф ҳам фарз.

4. Тавофи вадоеъ. Мийқот ташқарисидан келувчи офоқий одам ватанига равона бўлаётган вақтда адо қиладиган тавофи вадоеъни таҳоратсиз ҳолда бажарса, ҳар айлананинг эвазига бир садақа (ярим соъ буғдой) бериши вожиб бўлади. Масалан, етти айлана эвазига етти садақа адо берилади.

5. Тавофи қудум. Бу тавофни таҳоратсиз қилинса, ҳар айлана эвазига бир садақа (ярим соъ буғдой), етти айлана эвазига етти садақа бериш вожиб бўлади.

6. Нафл тавоф. Агар бу тавоф ҳам таҳоратсиз қилинадиган бўлса, унинг ҳар айланаси эвазига бир садақа лозим бўлади.

7. Тавофи таҳийят. Бу- киши Ҳарами шарифга кирган заҳотиёқ таҳийяти масжид сифатида қиладиган тавофидир. Агар бу тавоф таҳоратсиз қилинса, бунда ҳам ҳар айлана эвазига бир садақа бериш вожиб бўлади.

Агар юқорида айтилган тавофлар таҳоратсиз ҳолда ало қилинганидан сўнг қайта бажарилса, уларнинг эвазига лозим бўлган жарималар соқит бўлади.

Жиддий узрсиз аравада тавоф ва саъй қилиш

Агар киши ўзи юра олмайдиган даражада узрли бўлса, у учун бирор миниладиган нарсада тавоф қилиш ёки Сафо ва Марва орасида саъй қилиш жоиз. Хоҳинки уни инсон кўтариб тавоф ва сайъ қилдирсин хоҳ аравага ўтириб тавоф ва сайъ қилсин. Лекин, баъзи бир ором талаб кишилар борки, соғлиги яхши бўлатуриб ёки озгинагина узрни баҳона қилиб аравада тавоф ва саъй қиладилар. Бундай қилган кишига вожибни (пиёда юришни) тарк эткани учун жарима сифатида бир қурбонлик сўйиш лозим бўлади

Тавофдан кейин саъйни кечиктириш ва саъй айланалари орасидаги узилиш

Тавофи зиёрат, тош отиш, соч олиш, қурбонлик, хуллас, ҳажнинг мана шу тўрт амалини қурбонлик кунлари ичида қилиш вожиб. Лекин, Сафо ва Марва саъйини қурбонлик кунлари ичида қилиш вожиб эмас, балки, кейин қилиш ҳам жоиз. Шунинг учун киши узр ёки чарчоғини кетказиш мақсадида ором олмоқчи бўлса, олаверади. Бугун бўлмаса эртага ёки 10-15 кундан кейин ҳам қилса бўлаверади. Ҳудди шундай, саъйнинг етти айланасини пайдар-пай қилишлик суннат ёки вожиб эмас. Шунинг учун агар бир неча айланадан кейин чарчоқ сабабли қолган айланалар тўхтатилса, сўнг улар охирига етказилса, саъй мукамал, деб саналади ва бундай қилган кишига ҳеч қандай жарима лозим бўлмайди. Яна агар бир кунда биттадан айлана, етти кунда етти айлана қилинса ҳам жоиз. Лекин бир нарсани ёдда тутиш керакки, бундай қилиш узр сабабидан бекароҳат

жоиз, узрсиз бўлса, суннатга хилофдир.

("Ғунятун носик", "Ийзоҳул маносик")

Ҳайз ҳолатида саъй қилиш

Тавофдан фориғ бўлганидан кейин саъйдан аввал ёки саъй асносида аёл кишининг ҳайзи бошланиб қолса, у учун Сафо ва Марва ўртасида ўша ҳолатда саъй қилиш дурустдир. Тавоф қилинадиган жой масжид ичида бўлганлиги учун ҳайз ҳолатидаги аёл тавоф қилишдан манъ этилади. Аммо, Сафо ва Марва ўртаси, яъни саъй қилинадиган жой масжид бўлмаганлиги учун аёл киши ҳайз ҳолатида улар орасида саъй қилишдан манъ этилмайди.

("Ғунятун носик", "Ийзоҳул маносик")

Бирор киши бизнинг кунларимизда саъй ўрни масжидга дохил, деб эътироз қилиши мумкин. Унга айтамикки, бу гап бетаҳқиқдир. Чунки, Маккаи мукарраманинг мўтабар кишилари орқали Ҳарам имомларидан маълум қилинишича, ҳатто улар ҳам саъй ўрни аввалгидек масжид ҳудудига дохил эмас, деб ҳисоблар экан.

Тавоф асносида рукни ямонийни истилом қилиш

Каъбаи муаззаманинг ҳажари асвад жойлашган бурчагидан олдинги бурчаги рукни ямоний дейилади. Тавоф қилаётган киши рукни ямонийга етиб борганда уни икки қўли ёки фақатгина ўнг қўли билан (кўкракни Каъбатуллоҳ томонга бурмасдан) истилом қилиши (ушлаши) мустаҳабдир. Лекин, уни ўпиш суннатга хилофдир. Агар киши тавоф чоғида рукни ямонийни ушлашга кўзи етмаса, унга қўл теккизмасдан ўтиб кетгани мақсадга мувофиқдир. Чунки, у ерда тикилинч қилиб туришлик манъ қилинган.

("Ҳидоя").

Намоз вақтида изтибоъни тарк қилиш

Изтибоънинг маъноси, эҳром ридосини ўнг қўлтиқнинг тагидан ўтказиб, чап елкага ташлаб олиб, ўнг елкани эса очиқ қолдирмоқдир. Эҳром ҳолатида бажарилаётган ҳамда ундан сўнг Сафо ва Марва орасида саъй қилинмоқчи бўлган тавофда мана шундай (изтибоъ) қилиш суннатдир. Бундан бошқа тавофларда изтибоъ суннат эмас. Тавофдан кейинги намозда ҳам бу ҳолатни тугатиш буюрилган. Баъзи одамлар беҳабарлик билан намозда ҳам изтибоъ ҳолатини сақлаб турадилар. Бундай қилиш макруҳдир.

("Зубдатул маносик", "Муаллимул ҳужжож")

Ҳарамайндаги намозларда аёлларнинг эркакларга баробар туриши

Масжиди Ҳаромда ва масжиди Набавийда аёллар ҳам жамоатга иштирок этадилар. Маккада Масжиди Ҳаромнинг тўрт томонида аёлларнинг намози учун алоҳида жойлар белгилаб қўйилган. Замзам қудуғи яқинида тавоф қилинадиган майдоннинг алоҳида ҳиссаси аёллар учун ўраб қўйилган. Лекин ҳаж мавсумида тегилинч боис ҳовлидаги аёллар учун ажатилган бу жой олиб ташланади. Мавсумдан ташқари бутун йил давомида жой ўша ерда туради. Аммо масжиднинг тўрт томонида, яъни айвонлар ичида аёллар учун белгиланган жойлар ҳаж мавсумида ҳам ўз ўрнида туради. Ҳеч ким уни ўзгартирмайди. Аёллар ўзлари учун белгиланган мана шу жойларга бориб намоз ўқишлари керак. Эркаклар тегилинчининг ичига кирмасликлари лозим. Ҳарами Маккийда шу катта мусибат бўладики, аёллар эркаклар тегилинчининг ичига кириб, уларнинг сафига суқилиб намоз ўқишга ҳаракат қиладилар. Хусусан, Миср, Туркия, Индонезия ва Малайзия аёллари кўпроқ бепарволик қилиб қўядилар. Уларга бирор киши бир яхши маслаҳат ҳам айта олмайди, танбеҳ ҳам қила олмайди. Бунақанги бепарволик ва ярамаслик туфайли бир аёлнинг сабабидан учта эркакнинг намози фосид бўлади. Биринчиси, аёл кишининг ўнг тарафидаги эркак. Иккинчиси, аёлнинг чап тарафидаги эркак. Учинчиси, аёлнинг орқа тарафидаги эркак. Шунинг учун аёлларнинг ёнига туриб намоз ўқишдан

жуда қаттиқ сақланиш керак. Албатта, Масжиди Набавийда интизом яхши. У ерда аёл киши умуман кўринмайди.

Тиқилинч вақтида аёлларнинг мақоми Иброҳим ёки Каъба ҳатиймида намоз ўқишлари

Кўпинча баъзи аёлларнинг мақоми Иброҳим ёки Каъба ҳатиймида нафл намоз ўқиш учун ўзларини эркаклар орасига уришлари кўзга ташланади. Шавқлари шу даражада ғалаба қиладики, улар гўё ақлу ҳуши ўзида бўлмаган одамга ўхшаб қоладилар. Баъзида ҳолат ҳатто, урушиб жанжаллашишга ҳам бориб етади. Ҳукумат ходимлари манъ қилиб турсалар ҳам, аёллар уларнинг гапига қулоқ солмай, тавофдаги тиқилинч вақтида мақоми Иброҳимда намоз ўқиш учун ният қилиб оладилар. Бундай қилиш катта хатодир. Ҳолбуки, тиқилинч вақтида ҳатто эркаклар ҳам мақоми Иброҳим ёнидан нарироқда, яъни тўполон йўқ жойда намоз ўқишга буюрилган.

("Муаллимул ҳужжож").

Арафот майдонида ҳаж амирига иқтидо қилиб намоз ўқиш

Ҳаж амири Арафотдаги Намира масжидида имом бўлиб, пешин ва аср намозларини пешин вақтида жамлаб ўқиб беради. Бу амир (имом)нинг ортидан Арафот майдонидаги минглаб ҳожилар иқтидо қиладилар. Мазкур имом Риёз шаҳридан келади, яъни мусофир бўлади. Шунинг учун у иккала намозни ҳам қаср қилиб, яъни икки ракъатдан адо этади. Агар сиз мусофир бўлсангиз, иккала намозни ҳам имом билан бирга салом бериб тугатасиз. Аксинча, муқим бўлсангиз, иккала намозни ҳам тўрт ракъатдан ўқишингиз лозим бўлади. Имом пешин намозини икки ракъат ўқиб салом бергач, сиз тезлик билан қолган икки ракъатни қироатсиз, фақат рукуъ ва сажда билан ўқиб салом берасиз. Сўнг аср намозини ўқиш учун имомга иқтидо қиласиз. Имом аср намозини ҳам икки ракъат ўқиб салом бергач, сиз қолган икки ракъатни пешин намози сингари қироатсиз, фақат рукуъ ва сажда билан адо қиласиз. Баъзи кишилар муқим бўлсалар ҳам, илмсизлиги

туфайли намозларини имом билан бирга салом бериб тугатадилар. Бундай ҳолатда уларнинг ўқиган намозлари намоз бўлмайди. Шу боис уларга намозларини қайтариб ўқиб олишлари лозим бўлади.

Шайтонга тош отиш учун бошқани ноиб қилишдаги бепарволик

Жамаротга бориб, тош отишга қудрати етмайдиган кекса, бемор, камқувват ёки чўлоқ кишилар томонидан тош отишда бошқа кишининг ноиб бўлиши жоиздир. Албатта, ноиб бўлган одам тош отаётган вақтда улар (кекса, бемор, камқувват ёки чўлоқ кишилар) томонидан тош отишни ният қилиши керак бўлади. Мазкур кишилар номидан ноиблари тош отиб бўлгандан кейин узрлари йўқ бўлса: масалан, бемор соғайса ёки камқувват киши қувватга кирса, уларнинг ўзлари (гарчи, тош отиш вақти чиқиб кетмаган бўлса ҳам) иккинчи бор тош отишлари ҳам, зиммаларига бирор жарима ҳам лозим бўлмайди.

Одатда, кўпгина аёллар тош отиш учун жамаротга ўзлари бормай, балки маҳрамларини ёки бошқа кишини вакил қилиб юборадилар. Агар аёл киши жамаротга бориб, тош отишга қудрати етадиган даражада саломат бўла туриб, тошни ўзи отмай, ноибга оттирса, унинг зиммасига бир қўй ёки эчки қурбонлиги вожиб бўлади.

Демак, (жамаротгача боришга қодир бўлса ҳам) фақат тиқилинчни баҳона қилиб, тош отиш учун бошқа кишини ноиб ва вакил қилиш аёлларга ҳам, эркакларга ҳам жоиз бўлмас экан. Албатта, тиқилинч сабабли кундузи тош отишга қийналадиган кишилар, хусусан аёллар кечқурун (одам камайган вақтда) тош отсалар, бўлаверади. Лекин, тонг отиб, тош отиш вақти чиқиб кетмаслиги шарти билан.

("Ғунятун носик").

Тош отиш, қурбонлик қилиш ҳамда соч олдиришдаги тартиб

Имом Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ қавллариға кўра, таматтуъ ёки қирон қилувчи кишиға Муздалифа вуқуфидан сўнг, тартиб билан аввал тош отиш, кейин қурбонлик сўйиш, ундан кейин соч олдириш вожиб бўлади. Тартибни бузган кишиға қурбонлик вожибдир ва фатво ҳам шу қавлга берилган. Лекин, Соҳибайннинг (имом Абу Юсуф ва имом Муҳаммад) қавллариға кўра, мазкур амаллар орасида тартибни сақлаш суннатдир, вожиб эмас. Бу қавлга жиддий узрли кишиға амал қилиши мумкин. Айтайлик, қурбонлик сўйиладиган жойға ўзи етиб бора олмайдиган даражада камқувват киши бирор ишончли одамға пул бериб, уни қурбонлик сўйишға вакил қилди ҳамда у билан қурбонлик қилиш ва соч олдириш вақтини келишиб олди. Кейин маълум бўлдики, қурбонлик келишилган вақтда эмас, балки, соч олдирилгандан кейин бўлган экан. Бу суратда Соҳибайн (имом Абу Юсуф ва имом Муҳаммад) қавлиға кўра фатво бериб, мазкур қувватсиз киши учун жарима қурбонлиги вожиб бўлмайди, деб айтамыз. Ёдингизда бўлсинки, бу ҳукм фақатгина маъзур, яъни қурбонлик сўйиладиган жойға ўзлари етиб бора олмайдиган даражада узрли бўлган кишилар учун, холос. Дарвоқе, ҳанафий мазҳаби уламоларининг 1417 йил Ҳиндистонда бўлиб ўтган фикҳий анжуманида ҳам тартибнинг бузилиши фақатгина юқорида зикр этилган даражадаги узрли киши учун жоиз эканлигиға иттифоқ қилинган.

Ифрод ҳажи қилувчи (унга қурбонлик сўйиш вожиб бўлмагани сабабли) фақатгина тош отиш билан соч олдириш орасида тартибни сақласа, бўлди. Агар тош отишдан олдин соч олдирса, унга жарима қурбонлиги вожиб бўлади.

("Фатҳул Қадийр", "Фатово ҳиндийя", "Ғунятун носик" лар асосида).